22 (572)
2007 йил 30 май
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ю.Саркисянни "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг "Нефтчи" футбол жамоаси бош устози Юрий Вазгенович Саркисян "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М.Қосимовни "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшоқович Қосимов "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Мана, етти йиллирки Ўзбекистон Теннис федерацияси "Мактаб тенниси ташаббуси" дастури доирасида юртимиз бўйлаб кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 90 та мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида 1200 нафардан зиёд болалар мазкур дастур доирасида теннис билан шуғулланмоқда. Банкокда бўлиб ўтган XIII Осиё мураббийлари конференциясида 2005-2006 йиллар якуни бўйича Ўзбекистондаги "Мактаб тенниси ташаббуси" дастури координатори "Осиёнинг энг яхши координатори" деб тан олинди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Яқинда Фарғона вилоятида ўтказилган "Челленжер" халқаро теннис турнири давомида хайрли тадбир амалга оширилиб, теннис билан шуғулланувчи ёш, иқтидорли болаларга Ўзбекистон Теннис федерациясининг доимий ҳамкори ҳисобланмиш «Asian Tennis Promotions Pte. Ltd» компанияси томонидан хорижда ишлаб чиқарилган теннис коптоклари (тўплари), сеткалар, 700 дан зиёд ракетка, 260 жамланма спорт кийимлари топширилди.



Ўзбек кураши довруғи

КУРАШЧИЛАРИМИЗ — ШОҲСУПАДА!

Россиянинг Маҳачқалъа шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўн давлатидан келган 150 нафарга яқин курашчи гиламга чиқди.

Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин ва битта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиздан жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпиони Артур Таймазов 120 килограмм вазн тоифасида беллашган полвонларнинг финал баҳсида россиялик Билол Маховни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Вазни 55 килограмм бўлган курашчилар беллашувида гиламга чиққан яна бир ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров мезбонлар вакили Николай Старостин устидан зафар қучган бўлса, грециялик Эмзари Бединидис 74 килограмм вазн тоифасида бел олишган ҳамюртимиз Сослан Тигиевнинг ғалабасига тан берди.

Терма жамоамизнинг янги аъзоси — Сослан Дациев эса оғирлиги 84 килограмм бўлган полвонлар баҳсида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ УЛАН-БАТОРДА БЎЛАДИ

Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида спортнинг барча турлари сингари курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқимизнинг азалий қадрияти бўлган миллий курашимиз дунё халқларининг севимли спорт турларидан бирига айланиб бормоқда.

Кураш халқаро ассоциацияси /КХА/ матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, кураш бўйича олтинчи жаҳон чемпионати шу йилнинг октябрь ойида Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтади.

Мўғулистон кураш федерацияси президенти Ганбаатар Бегзнинг айтишича, айни пайтда чемпионатни юқори даражада ташкил этиш ва мусобақа ўтиш жойларини халқаро талабларга мос даражада тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бунгача кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1999 йил Тошкентда ўтган. Кейингиларига эса 2000 йил Анталия /Туркия/, 2001 йил Будапешт /Венгрия/, 2002 йил Ереван /Арманистон/ ва 2005 йил Тошкент шаҳри мезбонлик қилган.

Эрон Кураш федерациясидан олинган хабарга кўра, бобокалонимиз Паҳлавон Маҳмуд номи билан аталувчи анъанавий "Пурёвалий" турнири бу йил 22-24 июнь кунлари Теҳрон шаҳрида бўлади. 29-31 июль кунлари эса Франциянинг Хендай шаҳрида кураш бўйича биринчи халқаро турнир ташкил этилади.

Қ.ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

ОҚСОҚОЛЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Вилоят шаҳар ва туманларида "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури қандай бажарилмоқда? Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг қамровини кенгайтириш ва одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш соҳасидаги долзарб вазифалар нималардан иборат?

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев қабулида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда диққат эътибор кундалик ҳаётимиздаги ана шу долзарб масалаларга қаратилди.

Йиғилишда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, хусусан, жойларда сотилаётган ун, ўсимлик ёғи ва бошқа товарлар нархининг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик, бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, болалар ёзги оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлиги, меҳнат миграциясини тартибга солиш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Аҳолини ичимлик суви, иссиқ сув, электр энергияси, табиий газ билан таъминлаш борасидаги муаммолар, бу соҳадаги дебитор қарздорлик миқдорини камайтириш ва коммунал хизматлар сифатини ошириш масалалари ҳам йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Э.ҚУРБОНОВ

Юбилей олдидан анжуман

Самарқанд вилояти

САМАРҚАНД — ЖАҲОН ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Маълумки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан шаҳарда кенг кўламли ободончилик ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар бир қатор дам олиш ва хизмат кўрсатиш масканлари фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан боғлиқ кўплаб илмий анжуманлар ташкил қилиниб, монография, китоблар ва альбомлар чоп этилаётгани ҳам диққатга сазовор.

Яқинда Франция, Буюк Британия, Германия, Россия, Италия, Япония, Малайзия каби жаҳоннинг 30 дан ортиқ ривожланган мамлакатларидан келган Самарқанд тарихи билан шуғулланувчи олимлар иштирокида "Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни" мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда асрлар давомида Самарқанднинг нафақат Марказий Осиёда, балки бутун жаҳон миқёсида илм-фан тараққий этган марказлардан бири бўлганлиги, бу борада Амир Темур, Абу Мансур Мотурудий, Имом Исмоил ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида анжуман иштирокчилари шаҳарлар ва шаҳарсозлик маданияти тарихини тадқиқ қилиш борасида олиб борилиши зарур бўлган янги илмий йўналишлар ҳамда истиқболдаги илмий тадқиқотларга асос бўлувчи мулоҳазалар ва назарий-методологик хулосалар билдиришди.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Фармон ва ижро

Навоий вилояти

КАСАНАЧИЛИК ИМКОНИЯТИ КЕНГ

Аҳолининг бандлик даражасини оширишда касаначиликни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Вилоятда қулай ва самарали меҳнат тури — касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Хатирчи тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 300 дан зиёд касаначи иш билан таъминланган. Уларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Хатирчи пахта тозалаш заводи, «Хатирчи ипаги», «Хатирчи нон» масъулияти чекланган жамиятлари асосан тикувчи аёлларни касаначилик меҳнатига жалб этди. «Лангар ЎзРос» қўшма корхонасида эса иш кийими тикувчилар билан бирга темирчилар ҳам касаначи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш корхоналар маъмурияти диққат марказида турибди.

Туманда йил охиригача касаначилар сонини 700 нафардан ошириш мўлжалланмоқда.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ташкил этилди

Маълумки, чучукмия (баъзи манбаларда буяк деб ҳам аталади) ўсимлигининг таркиби фойдали моддаларга бой.

Шу боис, ундан ишлаб чиқариш соҳасининг кўп тармоқларида, айниқса, фармацевтика саноатида кенг фойдаланилади.

Яқинда Чимбой туманида чучукмияни қайта ишлаб, ундан препарат тайёрлайдиган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Сабаби, ушбу ўсимлик асосан республикамизнинг шимолий ҳудудларида ўсади ва Чимбой туманида ҳам у жуда катта майдонни эгаллаган.

Янги иш бошлаган корхонага хориждан 20 та турли русумдаги замонавий техника жиҳозлари келтирилди. Улар ёрдамида чучукмиянинг дастлаб илдизлари олиниб, тозаланган маҳсулот қайта ишлаш цехларига жўнатилади ва препарат тайёрланади.

Ҳозирга қадар қўшма корхонада минг тоннадан зиёд чучукмия илдизлари қайта ишланиб, улардан тайёрланган глицерин препарати хорижлик буюртмачиларга экспорт қилинди.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

Мурожаат ва муносабат

ЧОРРАҲАДАГИ МУАММО



мутасаддилар "Бу муаммо яқин кунларда ҳал бўлади", дейишмоқда

Таҳририятга пойтахтнинг Бектемир туманидаги Бектемир маҳалласи фуқаролар йиғини раиси И.Орипов мактуб йўллаб, маҳалла ҳудудидаги икки кўча кесишган жойда светофорнинг нотўғри жойлашгани оқибатида йўловчилар ҳаёти учун хавфли вазият юзага келгани ҳақида ёзган эди. Оқсоқол бу жойда йўл-транспорт ҳодисалари юз бериб туриши, айниқса, мактабга қатнайдиган болаларнинг шу жойдан ўтиши туфайли ота-оналар доимо хавотирда экани, бу борадаги мурожаатлари натижасиз қолаётганини таъкидлаб, муаммо ечимида газетадан ёрдам сўраган эди. Йиғин раисининг бу мурожаати таҳририят томонидан мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этилди. Ушбу масала юзасидан таҳририятга қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

"Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Сизнинг хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Бектемир туманидаги Бектемир шоҳ кўчасининг Ҳ.Бойқаро ва Ж.Остонов номли кўчалари кесишган чорраҳада транспорт ва йўловчилар ҳаракати қай даражада ташкил қилинганлиги ўрганилди.

Мазкур чорраҳада транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, жорий йилнинг иккинчи чораги давомида юқоридаги чорраҳада ўрнатилган светофор объекти қайта таъмирланиб, ишлаш жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Бошқарма бошлиғи Ш.М.АБДИЕВ"

— Яна нима дейсиз? — Полвонларимизнинг кураги ерга тегмасин, дейман-да, жўра!

САХИФАЛАРИМИЗДА ЎҚИНГ:

2
- Кечаги ўсмир бугуннинг фаол фуқароси
- Қудалар тил топишса — ... тўй ихчам ўтади!

3
- «Боғ оралаб юрганда 83 ёшлигимни унутаман-да, болам...»
- Оқибат дарчасидан узатилган нон ва ...МЕҲР

4
- Неки ўгитингиз бор, ёр-ёрга қўшиб айтинг...
- Харидор бозордан безор! Нега?

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Фармон берган имкон

Қашқадарё вилояти

ЁШ ОИЛА мисоли ЁШ НИҲОЛ

Юртбошимиз Фармони ана шу ниҳолга дармон бўлади!

Биз — ўтмиши бекам авлодмиз. Мақтаниш бизга бегонаю, аммо юртимиз тарихи, урф-одатларимиз, қадриятларимиз мазмуни ўрнак бўлгулик. Юртбошимизнинг ушбу Фармони билан танишганимизда, халқимизнинг умрибоқий маънавий қадриятлари яна бир бор қадр топганига амин бўлдик.

Бир вақтлар бир неча ака-укалар ота-оналари билан бир ҳовли-жойда яшашган. Ёшлар муносабатида учрайдиган келишмовчиликлар ота-онанинг бир оғиз насиҳати билан барҳам топган. Кичиклар катталардан намуна олиб, уларнинг ўгитларига амал қилган. Шу тариқа оила сирлари, рўзғордаги паст-баландликлар овозаси остона ҳатлаб кўчага чиқмаган.

Бундай оилалар ҳозир ҳам кўплаб топилади. Масалан, маҳалламиздаги Рудакий кўчаси 5-уйда яшовчи Ҳамдам Каримовлар хонадонида иккита ёш оила тинч-тотув яшайди. Бу оила аъзоларининг ширинсуханликлари, ўзаро илиқ муносабатларини кўриб дилингиз яйрайди. Бешкентариқ кўчасида яшовчи Ҳайит Расулов хонадонида эса учта ёш оила ҳавас қилгудек аҳил яшайди. Маҳалламиздаги 545 та оиланинг 75 таси ёш оилалар. Уларнинг орасида ибрат қилгулик ёш оилаларнинг кўплиги билан фахрланамиз. Албатта, оилада фарзандлар дунёга келгач, алоҳида уй-жой масаласи пайдо бўлади. Бу борада ёш оилалар маълум имконият ва имтиёзларга эга бўлганлари жуда қувончли.

Кейинги йилларда Президентимиз кўрсатмалари асосида никоҳ тўйларини ихчам, катта сарф-харажатсиз, исрофгарчиликларсиз ўтказишни йўлга қўйишга эришдик. Дабдабали чиқим ўрнига ёш келин-куёв учун кўпроқ зарур бўладиган уй-рўзғор жиҳозлари олинади. Бундай тадбирлар қудаларга ҳам, ёш келин-куёвга ҳам жуда маъқул келмоқда.

Айни кунда йиғинимиз томонидан 35 та ёш оилага чорва моллари харид қилиш, уй-жой қуриш учун банкдан кредит олишга тавсияномалар берилди.

Маҳалла идорасида йиғинимиз кенгаши аъзолари, тажрибали ва ёш оила вакиллари иштирокида Фармонни таҳлил қилиб шунга иқрор бўлдикки, мустақил юртимизда ёшлар, уларнинг ота-оналари қалбидаги эзгу ниятлар, улуғ орзулар рўёбга чиқиши учун барча имкониятлар яратилаётир. Ёшлар бу ғамхўрликлар мазмун-моҳиятини англаб, қадрига етишлари, имтиёзу имкониятлардан ўринли ва самарали фойдаланишлари зарур.

Рустам ОЧИЛОВ,
Қашқи шаҳридаги Самарқанд маҳалласи оқсоқоли.

Бухоро вилояти

Маҳалламиз Бухоро шаҳри марказида жойлашган. Ҳудудимиздаги 36 та кўп қаватли уйда 4200 дан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Бошқа маҳаллаларда бўлганидек, фуқароларимизнинг асосий қисмини ёшлар ва ёш оилалар ташкил қилади. Улар орасида мустақил яшаш учун уй-жой ва рўзғорга зарур жиҳозлар сотиб олиш, уй-жойини таъмирлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида юрганлар кўпчиликни ташкил қилади.

МУАММО ЕЧИМИГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Бундай истакларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Орзу-ҳавасга етишиш учун ҳар қачон, ҳар жойда ҳам меҳнат қилиш, изланиш керак. Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон шундай ниятда юрган ёшлар, ёш оилалар учун мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди. Албатта, ёшларимизнинг ушбу Фармонда назарда тутилган имконият ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши учун ҳуқуқий билим ва тегишли ташкилотларнинг амалий ёрдами керак бўлади. Фармон ижросини таъминлаш масъулияти юклатилган давлат ва жамоат ташкилотлари ўз вазифаларини сидкидилдан бажарса, ёш оилаларнинг бир қатор муаммолари ҳал бўлишига шубҳа йўқ.

Фармонни ўқир экан-ман, тасаввуримда гўё Президентимиз айнан бизнинг маҳалламизда мавжуд муаммолардан бохабар бўлганлару, мазкур Фармонга имзо чекканлар. Бундай дейишимга сабаб, маҳалламизда "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2 та ётоқхона бор. Бу ерда 300 нафардан ортиқ ёшлар истиқомат қилади. Уларнинг 200 нафари оилали ёшлардир. Сир эмас, ушбу ётоқхоналардаги маиший аҳвол яшаш талабларига жавоб бермайди. Шу сабаб, кўплаб ёш оилалар маҳалламиздаги хонадонлардан ижарага уй сўраб мурожаат қилишади.

Фармонда ана шундай ётоқхоналарнинг умумий аҳволини ўрганиб чиқиш ва уларни ёш оилаларнинг талаби даражасида жиҳозлашга эътибор қаратилгани жуда ўринли. Фармон талаблари бажарилиб, маҳалламиз ҳудудидаги ётоқхоналар ҳам тартибга келтирилса, катта муаммоларимиздан бири ҳал бўлади.

Фаолларимиз билан бу борада йиғинимиз томонидан бажарилиши лозим бўлган иш-режалар дастурини тузишга киришдик.

Марзия САТТОРОВА,
Бухоро шаҳридаги Олим Хўжаев номли маҳалла раисаси.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Жиззах вилояти

МЕҲРИБОНИНГ БИСЁР, БОЛАЖОН!

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва тарбиячиларининг қувончи чексиз. Боиси, Меҳрибонлик уйи биноси капитал таъмирланди ва қайта жиҳозланди.

Энди озода ва шинам ётоқхона, дам олиш хонаси, ошхона болажонлар хизматида. Айниқса, замонавий тренажёр ва спорт зали диққатга сазовор.

— Спорт — менинг жону дилим, — дейди бешинчи синф ўқувчиси Жаҳонгир Маматқулов. —Жойларда қурилаётган спорт заллари, уларда яратилаётган шароитларни телевизорда кўриб, ҳавас қилардим. Энди орзуим ушалди, бемалол ўзим ёқтирган спорт тури билан шуғуллансам бўлади.

— Беш йилдан буён укам Сойим билан шу ерда яшаяпмиз, — дея суҳбатга қўшилади Озода Элмуродова. — Онам вафот этгач, отам қамалиб қолди. Биз шу ердан бошпана ва меҳр топдик. Тарбиячиларимиздан жуда миннатдормиз. Келажакда Шоҳиста опа Тожибоева сингари тарбиячи бўлмоқчиман.

— Бу ерда тарбияланаётган ҳар бир бола кўрсатилаётган эътиборни сезиб, ҳис қилиб яшайди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ислом Анорбоев. — 1994 йилдан буён таъмирланмаган Меҳрибонлик уйининг капитал реконструкцияси учун 423 млн. сўм маблағ ажратилди ва бино бутунлай янгича қиёфа касб этди. Биргина ўтган ўқув йилининг ўзида вилоят бўйича 5 та янги мактаб қурилгани, 38 та мактаб биноси капитал, 41 таси эса жорий таъмирдан чиқарилганию бунинг учун 15 млрд. сўм маблағ сарфлангани ҳам ёшлар келажагига ғамхўрлик ва эътибор юксак эканлигидан далолат. Эътиборли томони шундаки, бу маблағларнинг асосий қисми ҳомийлар ва саховатпеша инсонлар ҳиссасига тўғри келди.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ПОЙТАХТЛИК ЁШЛАР ГИЛАМДА

80 нафардан зиёд пойтахтлик курашчилар шаҳар биринчилиги учун беллашди

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Учтепа туманидаги "Болалар спорт мажмуаси"да шаҳар маҳаллаларааро якка Турон кураши бўйича турнир ўтказилди. Унда пойтахтимизнинг 8 та туманидан ёш йигит-қизлар иштирок этишди.

Турнир сўнгида ғолибларга "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан совғалар топширилди.

— Мазкур турнирни ташкил қилишдан асосий мақсад ёшларни спортга жалб қилиш бўлса, иккинчидан, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларини таъминлашдир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов.

МУХБИРИМИЗ

КЕЧАГИ ЎСМИР БУГУН ФУҚАРО

Куни кеча Ҳамза туманида жойлашган 30-Меҳрибонлик уйининг вояга етган 8 нафар тарбияланувчисига тантанали равишда фуқаролик паспорти топширилди. Мана 10 йилдирки, ушбу муассаса маъмурияти туман ИИБ Хорижга чиқишкириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими мутасаддилари билан ҳамкорликда ушбу тадбирни анъанавий тарзда ташкиллаб келишмоқда.

— Фуқаролик паспортининг ўсмирга ўз тенгдошлари ўртасида тантанали тарзда топширилиши энг аввало, унда фуқаролик масъулиятини уйғотади, фаоллигини оширади, — дейди туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи ўринбосари, майор Олим Нишонбоев (юқоридаги суратда).

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

МАРКАЗИМИЗ — ОИЛАЛАРГА МАДАДКОР

Республика "Оила" илмий-амалий марказининг вилоят бўлимлари вилоят хотин-қизлар қўмиталари ҳузурида ташкил этилган ўзини ўзи бошқарувчи мустақил бўлимлар ҳисобланади. Мазкур бўлимлар фаолиятида оилавий муносабатларни тўғри шакллантириш, унга миллий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашишга кўмаклашиш вазифалари устувор саналади.

Вилоятимизда 175 мингта оила мавжуд. Бу оилаларнинг яшаш тарзи, имкониятлари ва қарашлари бир-бирини такрорламасада, уларни авлодлар шажарасини яратиш, жамиятнинг келажаги ҳақида қайғуриш каби умуминсоний мақсадлар бирлаштириб туради. Бироқ ҳудудимизда 601 та нотинч оила ҳамда айрим оилаларда диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахслар борлиги ачинарлидир. Кузатишларимиз бундай ҳолатлар кўпроқ жамоатчиликдан ўзини тортадиган, эътибордан четда қолган оилаларга хос эканини тасдиқламоқда.

Оилаларни яқиндан ўрганиб, ёрдам беришимизда маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 990 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий йилда 4 та шаҳар ва 15 та тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари билан ҳамкорликда қатор учрашув, баҳс-мунозара кечаларини ташкил этдик. "Энг ибратли оила" кўрик-танловининг якуний босқичи 15 май — Халқаро оила кунида ўтказилди. Шу куни кўрик-танловнинг қуйи босқичларида ғолиб чиққан оилалар вилоят Маҳалла марказига таклиф этилиб, тақдирланди. Вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда тайёрланган "Оила — муқаддас даргоҳ" ток-шоуси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иш бор жойда камчилик бор, деганларидек, ёшларни турмушга тайёрлаш масаласида янада хушёрроқ бўлишимиз, ота-оналар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз зарурлиги сезиляпти. Чунки улар ёш оила мустаҳкамлигини таъминлашда асосий ўрин тутади. Оила бузилишининг олдини олиш мақсадида жойлардаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошидаги "Ёш оилалар мактаби", жойларда ташкил этилган "Уста — шогирд", шунингдек, тикувчилик, пазандачилик мактаблари фаолиятини жонлантириш устида мутасаддилар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Шаҳар ва туманларда "Оила" илмий-амалий марказининг бўлинмаларини очиш, ҳар бир маҳалла қошида "Ота-оналар университети"ни ташкил этиш борасидаги амалий ишларни бошлаб юборганмиз.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон марказимиз олдига ҳам қатор муҳим вазифаларни қўйди. Мазкур Фармон эндигина барпо бўлаётган ёш оила қўрғонига мустаҳкам пойдевор қўйиш, уларнинг моддий ва маънавий мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтиришда катта аҳамиятга молик. Зеро, марказимиз фаолияти ҳам шу каби олижаноб мақсадларга қаратилган. Айни пайтда ходимларимиз Фармон ижросини таъминлаш йўлида амалга ошириладиган қатор чора-тадбирлар режасини тузишга киришган.

Муаттархон ИБРОҲИМОВА,
"Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими раиси.

Фарғона вилояти

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ҚАЧОНГАЧА АЛИМЕНТ ТЎЛАЙМАН?

Хотиним билан ажрашиб кетдик. Ягона фарзандимиз унинг қарамоғида қолди. Мен қонунга мувофиқ мунтазам равишда алимент тўлаб турдим.

Яқинда собиқ хотиним болани бошқа бировга фарзандликка бериб, ўзи янги никоҳга кирди. Мен ҳали ҳам алимент тўлаш мажбуриятига эгаманми?

Н.ЖЎРАЕВ

Жавоб:

"Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди.

Суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш:

*** бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда;**

*** фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда;**

*** суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда;**

*** меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда;**

*** алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади."**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 147-моддаси.

Қорақалпоғистон Республикаси

Чимбойнинг бир муаммоси

Бир пайтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган саҳрода бугун мўъжазгина шаҳарчага қиёслагудек Чимбой қишлоғи жойлашган. Бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ. Йиғин ўрамидаги 12 та маҳаллада 4700 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқда 69 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, фуқароларнинг асосий қисми ана шу хўжаликларда ишлайди.

Йиғин ходимларининг ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлари самараси сифатида яқин йилларда ёшлар ўртасида жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилмаган. Спорт мусобақалари, турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб келинади. Маҳаллада катта бунёдкорлик тадбири, яъни маҳалла гузари ва тўйхона қурилиши бошланиш арафасида. Маҳалладошлар бу биноларни ҳомийлар кўмаги ва ҳашар асосида қуриб битказишмоқчи.

— Маҳаллада осойишталик бўлса, ҳамма ишда унум бўлади, барака бўлади, — дейди Чимбой фуқаролар йиғини раиси Бекмурод Айтимбетов. — Умуман олганда, барча муаммоларга йиғиннинг ўзида мақбул чораларни қўллаш ва ечимини топиш мумкин. Лекин кундан-кунга аҳоли сони ортиб бораётган айни пайтда қишлоқ мактабини таъмирлаш борасида мутасаддиларнинг кўмагига муҳтож бўлиб турибмиз. Мактабимиз биносини капитал таъмирлаш ёки янги бино қурилиши ҳақида жиддийроқ ўйлаш фурсати аллақачон етган. Мактаб қурилиши бошлаб юборилса, чимбойликлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмайди, албатта.

Озод ЖУМАНАЗАРОВ

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

Атоқли қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романи босилиб чиққанда асардаги манқуртлар ҳақидаги ривоят кўпчиликни ҳайратга солган эди. Бугунги кунга келиб инсониятни жиддий ташвишлантираётган гиёҳвандлик деб аталувчи офат ҳам қайсидир жиҳатлари билан ўша асарда тилга олинган манқуртликни ёдга солади.

БИЛИБ ТУРИБ БОСМАНГ ТИКАННИ!

қора қисмат сари элтувчи йўл оғуни бир бор татиб кўриш истагидан бошланади

Донишмандлар бежиз ароқхўрликни ақлдан озиш машқига, гиёҳвандликни эса ажал билан ўйнашишга қиёс этмаганлар. Энг ачинарлиси, қорадори домига илинганлар бемаъни ҳирсу истаклари йўлида қурбон бўлаётган шерикларини кўриб-билиб турсалар-да, ундан воз кеча олмайдилар. Нима учун? Нега инсон бу офатнинг оқибатини билгани ҳолда ўзини ундан қайтаришга ожизлик қилади? Унинг асоратидан батамом қутулишнинг иложи борми? Ана шу саволларга жавоб излаб Навоий вилояти Наркология диспансери шифокорлари ва у ерда даволанаётган беморлар билан суҳбатлашдик. Бу дардга мубтало бўлганларнинг афсус-надоматларга тўла ҳикоялари ўткинчи дунёда барча ҳузурлардан бахраманд бўлиш илинжидаги ёшларни ёки фарзанд тарбияси аталмиш нозик ишнинг қайсидир жойида бепарволик қилаётган, янглишаётган ота-оналарни ҳушёр торттирса ажаб эмас.

Биринчи суҳбатдошимиз — 30 ёшли йигит. Унинг сўзларига қулоқ тутамиз:

— 23 ёшимдан марказий бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланар эдим. Кейинчалик билсам, яхши пул топишим "наркокурьер"ларнинг қизиқишини орттирган экан. Кунларнинг бирида икки йигит олдимга келиб, ғавалига савдо, нарх-наво билан қизиққан бўлишди. Кейин зўр нарса борлигини айтиб, татиб кўришга ундашди. Қизиқиш устунлик қилиб, биринчи уколга рози бўлдим. Танишларим икки марта текинга укол қилишди. Кейинги сафар ўзим уларни излаб бордим. Бирон ойдан сўнг ўзимга ўзим укол қилишни ўргандим. Бора-бора аҳвол шу даражага бориб етдики, кунига етти-саккиз мартагача наркотик қабул қиладиган бўлдим. Ҳеч нарсага қизиқишим қолмади, савдодан барака кўтарилди. Ўғирлик қилиб, қамалиб чиқдим. Мажбурий даволанишдан сўнг бир йилгача бинойидек юрдим. Лекин эски танишларим йўлимни пойлаб, яна гиёҳвандликка тортдилар. Оилам, икки фарзандим кўзимга кўриниб, бу дарддан қутулмоқчи бўлдим. Отамга занжирбанд этиб қўйишни, ялиниб-ёлворсам ҳам бўшатмасликни сўрадим. Икки кунни ит азобида ўтказдим. Учинчи куни занжирни узиб, улфатларимнинг олдига бордим. Кўз олдимда ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлаётган йигитлар ҳаётим, фарзандларимнинг келажаги ҳақида ўйлаб кўришга ундади, даволанишга қатъий қарор қилдим.

— Бир дўстим меҳмонга таклиф қилди, — дея гап бошлайди 35 ёшли бемор. — Зиёфатдан сўнг героиннинг кайфини мақтаб, бир марта татиб кўрган билан гиёҳванд бўлиб қолмайсан, буни ҳақиқий йигит кишига чиқарган, дейишди. Кайф устида рози бўлдим. Кейин вақтида наркотик қабул қилмасам, кучли оғриқ, беҳузурликдан ҳушимдан кетиб қоладиган даражага етдим. Мудом уни олишга етадиган пулни қаердан, қандай топишни ўйлардим. Масъулиятсизлигим сабабли ишдан бўшатилдим. Чунки на ишга, на оилага қизиқишим қолганди. Мендан бутқул умидини узган хотиним фарзандларимни олиб, ота уйига кетиб қолди. Даволаниб чиққач, ўзимни қўлга олишга, соғлом ҳаёт кечиришга ҳаракат қиламан. Гиёҳвандлик — жирканч иллат. Инсон у томон биринчи қадамни ташлашдан ўзини тўхтата олиши керак. Ана шу биринчи қадам инсонни қора қисмат сари элтувчи йўлнинг бошланишидир.

Гиёҳвандлик кўчасига кирган ота-онанинг касрига дунёга келибоқ азоб-уқубатлар домида қолган бу гўдакнинг айби нима?

Наркология диспансери бўлими бошлиғи Каромат Шойимова узоқ йиллик иш тажрибаларига асосланиб таъкидлашича, муолажалар давомида бемор танасидаги гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишга жисмоний мойилликни олти ойда чиқариб ташлаш мумкин. Аммо руҳий мойилликни йўқотиш кишидан беш, олти йилгача кучли ирода, қатъий саботни талаб этади. Буни яхши билган қора дори савдоси билан шуғулланувчилар собиқ мижозларини қайта тузоққа илинтиришга уринадилар. Бу гиёҳванд учун ғоят қалтис бўлиб, аксарият беморлар бундай вазиятдан чиқиб кетолмайдилар. Шунинг учун бемор даволаниб чиққач, турмуш тарзини тубдан ўзгартириши, эски ошналаридан узоқроқ юриши, иложи бўлса, яшаш манзилини ўзгартириши лозим. Кўпроқ соғлом фикрлайдиган инсонлар даврасида бўлиш, фойдали меҳнат билан шуғулланиш, ўзини севган, қадрлаган яқинларининг ёнида бўлиш ва уларга кераклигини ҳис қилиш батамом тузалиб кетишига ёрдам беради.

— Республика Наркология диспансерида гиёҳванд касалларга руҳий ёрдам бериш бўйича махсус курсни ўқиб қайтдик. Энди руҳий даволашни маълум тартиб-қоидалар, махсус замонавий методлар асосида амалга оширяпмиз, — дейди Каромат Шойимова. — Иш жараёнида била туриб борса-келмас йўлини танлаган аянчли қисмат эгаларига дуч келаман. Айниқса, айни навқирон ёшида жувонмарг бўлиб кетаётган, эндигина 20-30 баҳорни кўрган йигитларга, уларнинг ота-оналарига, яқинларига ачинаман. Гиёҳвандликни нафақат шифокор ва бемор, балки жамиятнинг барча аъзолари биргаликда, ҳали у томир отиб улгурмасдан қарши курашсаларгина батамом енгиш мумкин.

Суҳбатларимиз асосида гиёҳвандларнинг аксарияти ўрта маълумотли инсонлар эканига гувоҳ бўлдик. Бундан кўриниб турибдики, фарзандларимизга гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида мактабдан бошлаб маълумот бериш, керак бўлса, махсус ўқув дастурлари ва дарсликлар жорий этиш, айниқса, ўсмир ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳамда маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Ҳилола ИСМАТОВА,
журналист.

Сурхондарё вилояти

Норбой ШОМУРОДОВ,
Жарқўрғон тумани ҳокими.

ФАРОВОН ҲАЁТ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ!

** Туманда 500 дан зиёд фермер хўжаликлари бор*
** Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар сони 243 нафарга етди*
** Ҳар уч маҳалладан иккитаси спорт майдончасига эга*

Жарқўрғон воҳадаги тўнғич туманлардан бири ҳисобланади. Аҳолисининг сони 155 минг нафар. Туманда 8 та қишлоқ, 63 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. 20,5 минг гектар майдонда асосан пахта ва ғалла етиштирилади. Бундан ташқари, аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобида 55 минг бошдан зиёдроқ қорамол, 168 минг бошга яқин қўй ва эчки, 92 минг парранда боқиляпти. Қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга равнақ топаётганлиги боис туман иқтисодиётида фермерларнинг улуши юксалмоқда.

Сўнгги йилларда Жарқўрғонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий сармоядорларни жалб этиш эвазига қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Россиялик ҳамкорлар билан йилига 150 минг тонна нефтни қайта ишлайдиган қўшма корхона ташкил этилиши ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш изчил олиб борилаётгани натижасида икки минг нафарга яқин туман аҳолисини иш билан таъминлаш имконияти туғилди. Бу эса аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилаяпти. Биргина "Алпомиш", "Жарқўрғоннефть" ва "Сурхонтекс" қўшма корхоналари ўтган йилда 8,1 млрд. сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Туманда ижтимоий соҳада ҳам салмоқли ишлар амалга оширияпти. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда билим олиб, фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш бош мақсадимиз. Хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш дастурига асосан 2 та мактаб биноси қайта тикланган бўлса, 7 та мактаб капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Бу ишларни амалга оширишда ҳомийларнинг муносиб ҳиссаси бор. Туман ҳудудини ободонлаштириш ҳам муҳим вазифалардан бири. Кейинги йилларда ўтказилган ичимлик суви ва газ тармоқларининг узунлиги 100 километрдан ошди, яна шунча масофадаги ички йўлларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Гулҳовуз ва

Боботоғ аҳоли манзилларида яшовчилар табиий газ ва ичимлик сувидан бахраманд бўлишди. Какайди қўрғонида, Оқтепа, Алишер Навоий номли қишлоқларда ва "Сурхон" фермер хўжаликлари уюшмасида ҳамда туман марказида фойдаланишга топширилган поликлиника, туғруқхона, қишлоқ ҳокимлик пунктлари маҳаллий аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Туман марказидаги бош хиёбонда олиб борилган қурилиш-монтаж ишлари натижасида амфитеатр бунёд этилиб, 2 та фаввора ва Мотамсаро Она ҳайкали ўрнатилди. Ҳозирда хиёбон янада кўркамлашиб, одамлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган масканга айланган. Шунингдек, туманда ўнлаб спорт мажмуалари мавжуд. Ҳудуддаги 161 та кам таъминланган оилаларга "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ва ҳомийлар ҳисобидан бепул қорамол берилди.

Жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган режа-тадбирларни белгилашда асосий эътиборни аввало ишлаб чиқаришни модернизациялаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, муҳим тармоқларни техник жиҳатдан янгилашга қаратганмиз. Хусусан, ялпи ички маҳсулотни 9,5 фоиз, саноат маҳсулотини 10,9 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 5,5 фоиз, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган сармояни 10,5 фоизга кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Саноат корхоналарида иш жараёнини янгилаш ҳисобига 700 та янги иш ўринларини яратиш ҳамда касаначилик асосида меҳнат қилаётган чеварлар сонини 225 нафарга етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, бунинг учун кичик корхоналар ташкил этиш чоралари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирга қадар минитехнологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун 35 та шартнома тузилди. Кам таъминланган оилаларга чорва моллари бериш ва уларнинг зотини яхшилаш мақсадида жорий йилда хориждан 80 бош қорамол келтириш кўзда тутилган. Хуллас, "Ижтиомий ҳимоя йили" дастурида белгиланган шу ва бошқа вазифаларни боскичма-боскич ҳаётга татбиқ этиш йўлида янада фаолроқ, ҳамжиҳатликда иш юритишимиз даркор бўлади. Чунки фаровон ҳаёт талабгори ҳам, бунёдкори ҳам ўзимиз, меҳнаткаш халқимиздир.

Тошкент вилояти

Юртимизда пилла мавсуми. Бу пайтда бекободлик пиллакорларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Сабаб, бу ерлик пиллакорлар ҳар мавсумда пилладан катта хирмон кўтарадилар. Жорий йилда Бекобод туманида 211,2 тонна пилла етиштириш мўлжалланган. Бу хирмонда маҳалладошларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлади, албатта. Масалан, Уяс маҳалласилик пиллакор Каромат Қурбонова айни кунда 85 килограмм пилла етиштириб улгурди.

— Сиз етиштирган пиллалардан камалакнинг етти хил рангида жилоланувчи ипак матолар тўқилади, — дейди йиғин раиси Ўрозали Мамашукуров (суратда) моҳир пиллакор Каромат Қурбоновага.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Олам турфа

"ОСКАР" ҲАЙКАЛЧАСИ КИМГА ЎХШАЙДИ?

Ҳар йили март ойининг охирларида АҚШ да "Оскар" мукофотининг тақдимот маросими бўлиб ўтади. Уни бутун дунё катта қизиқиш билан томоша қилади.

"Оскар" мукофоти 1927 йилда фильм яратиш соҳасидаги муваффақиятларни тақдирлаш мақсадида, "Америка кино санъати ва фани" Академияси томонидан таъсис этилди. Бу академия мукофотининг бўйи атиги 25 сантиметр (10 дюйм) бўлиб, у бронзадан тайёрланиб, олтин билан қопланган металл доскага ўрнатилган эди. Унинг "Оскар" деб аталиш тарихи қуйидагича: кунларнинг бирида Академия қошидаги кутубхона ходими мукофотлаш учун ясалган ҳайкалга узоқ вақт тикилиб қолади ва беҳосдан "У менинг Оскар тоғамга жуда ўхшаб кетаркан", деб юборади. Шундан буён Академия мукофоти "Оскар" номи билан атала бошланган.

1936 йилга қадар "Оскар" ёки академия мукофотлари фақатгина «Энг яхши фильм», «Энг яхши актёр», «Энг яхши актриса» ва «Энг яхши режиссёр» номинацияларида берилар эди. Ўша йилдан бошлаб ушбу мукофот «Энг яхши иккинчи даражали роли учун» актёр ва актрисаларга, шунингдек, қўшиқчилик, мусиқа ва ранг-тасвир соҳасида эришилган муваффақиятлар учун ҳам берила бошланди. 1947 йилдан бошлаб эса, «Энг яхши хорижий тилдаги фильм» номинацияси бўйича ҳам "Оскар" мукофоти таъсис этилди.

О.АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Наманган вилояти

Бор бўлсин ҳомиялар!

ФАЙЗОБОДГА КИРДИ

Учқўрғон туманидаги Файзобод маҳалласи иккита замонавий бино туфайли янада кўркамлашди. Бинолардан бири "Акбаржон — Моҳира — Муслима" хусусий фирмасига қарашли бўлиб, тадбиркор Абдураҳмон Пўлатов аҳолига барча турдаги арзон ва сифатли дори-дармонлар билан хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Маҳсулотлар республикамиздаги етакчи фармацевтика корхоналари ва шу соҳада фаолият юритаётган нуфузли фирмалар билан тузилган шартнома асосида келтирилади.

— Ижтимоий ҳимоя йилида мижозларга имкон даражасида ёрдам кўрсатяпмиз, — дейди. А.Пўлатов. — Иккинчи жаҳон ва афғон уруши қатнашчилари, Чернобиль фожиасини бартараф этишда иштирок этганлар ва диспансер рўйхатида турувчи беморлар биздан дори-дармонларни чегирмали нархларда оладилар. Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини йўлга қўйиш арафасида турибмиз.

Маҳалла марказидаги собиқ ширкат хўжалиги биноси ҳам ҳомийлар маблағи ҳисобига таъмирланиб, қишлоқ врачлик пунктига мослаштирилди. Бу ишда "Учқўрғон" ОАЖ, Кўғай ва Учқўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларининг ёрдами катта бўлди. "Саломатлик — 2" дастури доирасида тақдим этилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар мўъжаз шифо масканининг сифатли хизмат кўрсатишида асқотмоқда.

Содиқ САЙҲУН, "Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Бандлик муаммоси ечими

Халқ банкининг Қоракўл тумани бўлими 380 та деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда 221 та хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатади. Бўлим ўзининг 15 та шахобчаси, 3 та минибанки ва 2 та махсус кассасига эга.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ: ҲАМ ИШ ЎРНИ, ҲАМ ДАРОМАД

Мижозларга қулайлик яратиш учун бўлим қошида ташкил этилган ҳамда қишлоқ ва маҳаллаларга бориб, аҳолига бевосита хизмат кўрсатаётган 16 та махсус гуруҳ фаолияти эътирофга сазовор. Жумладан, молия муассасаси томонидан жорий йилнинг I чорагида фуқароларга 500 млн. сўмга яқин нафақа пуллари етказиб берилган бўлса, жамғарилган коммунал тўловлар миқдори 40 млн. сўмга етди. "Маҳалла фидоийлари", "Матонат", "Ёш оила", "Фаровон ҳаёт" каби 10 дан ортиқ омонат турларига жалб этилган аҳолининг бўш пул маблағлари миқдори эса 440 млн. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, банк бўлими кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кам фоизларда имтиёзли микрокредитлар беришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада, туманда кичик ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпайиб, доимий ишчи ўринлари яратиляпти. Шу йилнинг I чорагида банк бўлими томонидан 24 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 17 млн. 850 минг сўм, 52 та ғалла ва 67 та пахта ҳосили етиштирувчи фермер хўжаликларига 153 млн. сўм, яна 5 та фермер хўжалигига техника сотиб олиш учун 56 млн. сўм, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи 3 та хўжалик субъектига 2 млн. сўм, 4 та фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун 9 млн. сўм, 1 та савдо ишлаб чиқариш корхонасига 6 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, 11 нафар мижозга 3 млн. сўмлик истеъмол, 6 нафар талаба учун 2 млн. 400 минг сўм миқдорида талаба кредити берилди.

— Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, банкимиз томонидан ажратилган микрокредитлар ҳисобига туманда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юзга яқин ишчи ўрни яратилгани ва бир нечта ишлаб чиқариш цехларининг ишга тушгани маълум бўлди, — дейди банкнинг туман бўлими бошқарувчиси Жўрақул Ниёзов.

Банкнинг имтиёзли микрокредити ҳисобидан ўз фаолиятини кенгайтирган субъектлардан бири "Шодлик нон" савдо ишлаб чиқариш фирмасидир. Фирмага жорий йилнинг март ойида банк бўлими томонидан 40 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Фирма раҳбари Мавлуда Азизова шу маблағ ҳисобига Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридан 7 турдаги макарон маҳсулотини ишлаб чиқарадиган замонавий ускуна келтириб ўрнатди. Тўлиқ қувват билан ишлаётган ушбу цехда ҳар куни 1,5 тонна макарон ишлаб чиқарилиб, савдо дўконларига етказиб берилмоқда. Айни пайтда корхонада 14 нафар маҳаллий ёшлар иш билан банд.

Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *«Шодлик нон» фирмаси ишчиси Б.Шукурова иш устида.*

Қорақалпоғистон Республикаси

Тармоқлар тараққиётига таянч

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Қорақалпоғистон ҳудудида ўтган йили иш бошлаганига қарамай, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларига кенг кўламли хизмат кўрсатмоқда.

Жумладан, банкнинг Қорақалпоғистондаги мавжуд 3 та бўлими, 26 та минибанклари ва 3 та агентлиги томонидан 1387400 минг сўмлик ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга қорамол харид қилиш учун 70 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. Яна 300 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи эса аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ республиканинг шаҳар ва туманларида 710 та янги ишчи ўрни яратишга эришилди.

— Жорий йилда ҳам асосий мақсадимиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, — дейди "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошқаруви раиси Дилбар Хўжаниёзова. — Йил якунига қадар хусусий сектор ва аграр соҳани ривожлантиришга 1 млрд. 792 млн. 300 минг сўм миқдорида кредит ажратишни режалаштирганмиз.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

Коммунал тизимда тажриба

Андижон вилояти

САРФДА ИСРОФ БЎЛМАСИН...

тежамкорлик коммуналчига ҳам, истеъмолчига ҳам наф келтиради

Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолидан коммунал тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ижобий бўлмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллари бу ишга муносиб ҳисса қўшаяпти.

— Халқимизда тўй-ҳашамлар кўп: кимдир ўғил уйлайди, кимдир қиз чиқаради, бундан ташқари, турли оилавий тантаналар уюштирилади. Табиийки, бундай пайтларда электр таъминотидаги тежамкорлик ҳақида ўйлаш кўпчиликнинг хаёлига келмайди: электр чироқлари уч-тўрт кун, баъзан ҳафталаб ёниб туради. Чироқларни ҳеч бўлмаса, кундуз кунлари ўчириб қўйишни унутиб қўядиганлар бор. Бундай кўнгилсиз вазиятларнинг келиб чиқишига кўпинча чироқларнинг тармоққа электр ҳисоблагич орқали эмас, қонунга зид равишда, симёғочдан тўғридан-тўғри, ўғринча улангани сабаб бўлади, — дейди йиғин раиси Абдураҳмон Тожиматов.

Қишлоқ йиғини ҳудудидаги ўндан ортиқ маҳаллада беш мингта хонадон истиқомат қилишини ва бу нохуш ҳолат бошқа хонадонларда ҳам кузатилишини ҳисобга олсак, рақамлар миқдори анча ортади. Сарф қилинган электр миқдори уйлардаги ҳисоблагичда эмас, шу йўналишга ток юборадиган подстанциядаги ҳисоблагичда тўпланиб боради. Сўнгра, "эгаси йўқ" электр энергияси ҳақи тўланмагани боис, муаммо келиб чиқади. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фаоллар ўзаро маслаҳатлашиб, тўй қилаётган хонадоннинг электр энергияси сарфи учун маълум миқдорда маблағ тўлаб боришни йўлга қўйдилар. Бундан ташқари, электр энергияси истеъмолидаги барча муаммоларни бартараф этишни мақсад қилган дардоқликлар ҳар бир трансформатор пунктига электр ҳисоблагич ҳам ўрнатишди. Шундан сўнг, электр қувватидан ноқонуний ҳамда яширинча фойдаланиш ҳоллари кескин камайди. Трансформатор пунктини маҳалла фуқаролар йиғини вакили назорат қилиши натижасида ишлатилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ йиғишга эришилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Инсон қўли — гул

Жиззах вилояти

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНСА...

у кўнгилдан кўнгилга кўчади

Амбар Ярабеков вилоятнинг чўл ҳудудида жойлашган Холхўжаев номли маҳаллада умргузаронлик қилади. Узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилган отахон бугунги кунда маҳалланинг жонкуяр фаолларидан бири. Маҳалладаги тўю тантаналар, тадбирлару маросимлар унинг иштирокисиз, маслаҳатисиз ўтмайди.

Амбар бобо яхшидан боғ қолади, нақлига амал қилиб, маҳалланинг қаровсиз ётган ерлари ва чиқиндихоналар ўрнида каттакон боғ яратди. У етиштирган мевали ва манзарали дарахт, ранг-баранг гул кўчатлари, ҳаётбахш қўллари билан пайванд этилган ниҳоллар туман аҳлининг ҳовлисию боғ-роғларида гуркираб ўсиб турибди. Уста боғбон ўз тажрибаларини невараларига ҳам ўргатиб, боғ яратишдек хайрли ишларга ундаб келмоқда.

— Маҳалладошларимиз, айниқса, ёшларимиз табиатни севиш, ардоқлаш, ўсимлик ва дарахтларга меҳр беришда Амбар бободан ўрнак олмоқдалар, — дейди Қаҳрамон Жумаев. — Менга ҳам боғбонлик сирларини эгаллашимга яқиндан ёрдам беряптилар. Масалан, улардан пайванд қилишнинг беш хил усулини ўргандим. Ҳаётий муаммолар, ташвишлар қийнаганда ҳам доимо бобонинг маслаҳатларига суянаман.

83 ёшни қаршилаган отахон ёнбошлаб, дам олиб ётишни ўзига эп кўрмайди, умрининг ҳар лаҳзасини фойдали юмушларга сарфлашга интилади. Амбар бобонинг қуйидаги сўзларидан ҳам унинг соддадил, куюнчак ва тиниб-тинчимас инсон эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

— Орамизда қалби, нияти пок инсонлар қанчалик кўпайса, юрт шунчалар обод бўлади. Она тупроғимиз саховати кишини яратувчанликка, бунёдкорликка ундайди. Чарчаган пайтларим дарҳол дарахтлару экинларим томон ошиқаман. Уларни парваришлаш руҳимга мадад, кўтаринкилик бағишлайди, дилимдаги ғуборларни бир зумда тарқатиб юборади.

Амбар бобонинг боғида барқ уриб ўсаётган мурч, чилонжийда, какао каби юртимиз тупроғи учун хос бўлмаган дарахтларни кўриб, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Шунингдек, унинг лимон ўстиришга мослаштирилган иссиқхоналари бутун вилоятда машҳур. Дарахтлар устидаги тажрибалари асосида беҳи дарахтига олма, бодом, хурмо ва нок новдалари пайванд қилинса, юқори ҳосил беришини аниқлаган отахон шундай кўчатларни кўплаб етиштирмоқда.

Амбар бобо набиралари билан.

Донагул ЖЎРАЕВА, "Mahalla" мухбири.

ЭЗГУЛИК ЁҒДУСИ

ёхуд миллий қадриятларимиз тўғрисида ўйлар...

У миллатнинг қонида бор. Она сути билан кирган, қалбига. Инсон бўл, фақиру фуқаронинг дуосини ол, саховатга интил, деб дуо қилинади гўдакнинг қулоғига азон айтилганда. Она алла айтганда фарзандига узоқ умр, бахтиқбол тилаш билан бирга, ҳиммату саховатли, эл-юртнинг таянчи бўл, дея тебратган-ку бешикни...

БИР БУРДА НОН...

Ер юзи бўйлаб қирғинбарот уруш кетаётган, бутун юмушлар хотин-халаж, ўсмирлар қўлида қолганда ҳам олийҳиммат одамларимиз хайр-эҳсон, савоб ва эзгуликни унутмаганлар. Нон хонадон аъзолари сонига қараб бўлакларга бўлиниб, тенг тақсимланар, уни ҳар ким ўз хоҳишича, хоҳласа бир марта, хоҳласа уч бўлиб истеъмол қиларди...

Опам дўкондан олиб келган нонни тақсимлагач, ҳар ким ўз улушининг бир бўлагини еб, қолган қисмини яширганда эшикдан раҳматли момом кириб келдилар. Онам кўрпача ёзиб, дастурхон устидаги ўз улушларини уч-тўрт бўлакка бўлиб "олинг, онажон" деб мурожаат этдилар. Момом шўрлик боламнинг ризкига зиён бўлмасин, деган ўй билан: "Ҳозиргина овқатланган эдим, болам", деб дастурхоннинг бир бурчагини буклаб ёпган бўлдилар. Онам қайта-қайта илтимос қилиб, ноннинг бир бўлагини зўрлаб едирдилар. Шу пайт Украинадан эвакуация қилинган ва уйларимизнинг бирига жойлаштирилган Вова билан Таня кириб келиб, дастурхон устидаги уч бўлак нонни кўргач, тамшаниб қараб тураверишди. Онам кўзларига ёш олиб: "Енглар, шўрлик болаларим", деб ноннинг икки бўлагини уларга узатгачгина болалар ўринларидан жилдилар.

Меҳмонлар кузатилгандан кейин биз опа-укалар маслаҳатлашиб, улушимиздан бир бўлагини онамизга илиндик.

Бир бурда нон нақадар азиз бўлган очарчилик йилларида ҳам халқимиз меҳр-муҳаббат, шафқат, ҳимоя, эзгуликни унутмаган эди.

ОҚИБАТ ДАРЧАСИ...

Улфатойнинг турмуш ўртоғи оламдан ёш ўтди. У вояга етмаган икки ўғил, бир қизи билан бева қолди...

Бахтига қўшнилари томондаги икки дарча бир зум ҳам ёпилмади. Бири бемалол тўрт кишига етгулик "ҳамсоя оши" узатса, иккинчи қўшни эндигина тандирдан узилган нон билан сийлади. Давлат ёрдам берди, қариндошлар, ҳамсоялар маҳалладошлар ҳимматини аяшмадики, болалар етимлигини ҳис этмай ўсишди, эл корига ярайдиган йигит-қизлар бўлиб етишишди.

Илгарилари ҳар икки томондаги қўшнилар ўртасида дарча бўларди. Ана шу дарча ўз навбатида маслаҳат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва ҳеч шубҳасиз, ижтимоий ҳимояга ҳам хизмат қиларди. Қандай қилиб? Оилалар, айниқса, хотин-халаж қўшниларидан кўча айланиб эмас, дарча орқали ҳар куни неча марталаб ҳол-аҳвол сўрашарди. Айрим ҳолларда кутилмаганда тўпланиб қолишиб дастурхон ёзишар, топганини баҳам кўришар, муаммолар чиқиб қолганда эса бир-бирларига қимматли маслаҳат беришарди.

Икки томондан дарча орқали узатиладиган "ҳамсоя оши" кам таъминланган оилалар учун ҳамишалик дармон эди. Ҳозир ҳам шу каби дарчалар борми?

Афсуски, бугун ана шундай дарчаларни аҳён-аҳёнда, эски ҳовлижойлардагина учратамиз.

ЖАНОЗА...

Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида Каримпўлат исмли обрў-эътиборли, мурувватли ва камбағалпарвар киши яшаган. У киши нимадир сабаб бўлиб баъзи тўю тантаналарга қатнашмаса ҳам, аза, таъзия, жанозалардан асло қолмасди.

Кунларнинг бирида отахон жанозадан ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Кечки овқатга ёзилган дастурхон йиғиштирилгач, уч ўғлини ўз хонасига чорлади.

— Кеча нариги кўчадаги, Толиббой отанинг жанозасида кўринмадинглар?

Катта ўғил юк келиб, вагонни тез бўшатиш зарур бўлиб қолганлиги, ўртанчаси мактабга комиссиялар келишганини, кенжаси эса яна нимадир сабаб қилиб кўрсатди.

— Болаларим, — деди отахон. — Жаноза дунёни тарк этганларга, ҳам унинг кетида қолган фарзандларига билдириладиган ҳурмат, эътибор. Унда қатнашиш ҳам фарз, ҳам қарз. Тўғри, зарур иш чиқиб қолиши мумкин. Лекин ўша сизларнинг бошлиқларингиз ҳам мусулмон фарзанди. Ётиғи билан жавоб сўрасаларинг "йўқ" дейишмас. Сизларнинг отаоналарингиз ҳам эрта-индин бандаликни бажо келтирар. Уларни мардикор ёллаб кўммассизлар?!

Шу-шу бўлдию, фарзандлар жанозадан қолмайдиган бўлишди.

Халқимизнинг бошқа халқлар урф-одатига сира ўхшамас ва тенглаштириб бўлмас қадимий урф-одатлари, анъаналари бўлиб, уларнинг барчасида одамийлик, меҳр-шафқат мужассам. Дили озор еган инсонларнинг белига қувват бўлмоқ, ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтармоқ, айниқса, яқин кишисини йўқотганда, бошига кулфат тушганда, дардкаш бўлишлик бурч-ку, ахир! Ота-боболардан эшитгансиз, илгари йўлдан ўтаётган ҳар қандай киши тобут олиб ўтилаётганлигини кўрганда, тобутнинг поясидан олиб, етти қадам ташлаган. Қанчалар эъзозга арзигулик урф-одат. Яна нима денг, тобут кўтаришга ярасин, деб оталар иликли суякни ўғилларига раво кўрганлар.

Ҳозир-чи, ҳозир? Айрим пайтларда ўғиллар эмас, ҳатто айрим отахонларнинг ўзлари ҳам "эртага фотиҳага ўтарман" деб жанозага боришни ўзларига эп кўрмайдилар. Шундай бўлгач, улар қандай қилиб ўғилларидан гина қиладилар. Улар эҳтимол, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаслар. Яна бир гап: ҳозир ҳатто жанозага боришда ҳам дунёдан ўтган кишининг кимлиги, қандай мансабдорнинг ота ёки онаси эканлиги суриштириладиган бўлиб қолган. Жанозага, ҳатто кўнгил сўрашга бормаган йигитлар уятни йиғиштириб қўйиб, фотиҳа куни бериладиган ошга саф-саф бўлиб келаверадилар. Буни асло ҳазм қилиб бўлмайди, ахир!

Хулосамиз шулким, асрлар оша элда эъзоз топган урф-одатлар, анъаналар ва яхшилик, шукрона, савобга дахлдор қадриятларимизни қадрламоғимиз даркор.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Қадриятда қадримиз бор

Навоий вилояти

"ЁР-ЁР" айтилганда...

Халқона топқирлик, қувноқлик ва бўй қизларга хос бўлган уятчанлик ила айтиладиган "Ёр-ёр" гўзал удумларимиздан бири ҳисобланади. Таомилга кўра, тўй куни келин дугоналар томонидан жўровоз бўлиб куйланадиган бу қадимий маросим қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо шуниси аниқки, бу анъана халқимиз ўтмиши сингари қадимий ва қадрлидир.

Маълумки, халқона қўшиқлар бадиҳагўйлик тарзида — турмуш, шароит ва маҳаллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда куйланади. Қизларнинг ширин орзу-истаклари ва армонлари тараннум этиладиган ёр-ёрлар, ўзига хос ва рангбаранг услубда ўзбекона феъл-атворни ҳам намоён этади.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида ёр-ёр айтиш анъанасининг ўзига хос шакли мавжуд. Маросим бошида дугоналар келинни безатилган уйга олиб киришади ва давра қуриб, ўланни бошлайдилар:

Шойи кўрпа йиғилган — тўй сеники, ёр-ёр,
Қўлида тилло қамчи, ёр сеники, ёр-ёр.
Эй ёронлар, ёронлар, вақт ғанимат, ёр-ёр,
Қизни олиб келдик биз, жон ғанимат, ёр-ёр.

Бу ўринда ниҳоятда топқирлик билан ишлатилган ташбеҳ — "тилло қамчи қўлида" ибораси сатрлар қатидаги мазмунни чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Дарҳақиқат, оила масъулиятини тилло қамчига менгзаш бу сатрларда жуда ўринли бўлган. Масъулиятнинг асосий қисми эса эрнинг зиммасида бўлиши табиийдир.

Дугоналар томонидан бошланган ўланни келиннинг опаси давом эттиради. Маросимни келиннинг онаси якунлаб беради. Мантиқан олиб қаралганда ҳам шундай бўлиши керакдай, яъни аввало келинчакка, сўнгра даврада ўтирган бугун-эрта оила қуриш арафасида турган қизларга қарата панд-насиҳат, ўгит бўлгулик гаплар кўпни кўрган, ҳаёт машаққатларида тобланган киши томонидан айтилса, таъсирли бўлади. Оналар эса бундай вазиятда нима демоқликни жуда яхши биладилар:

Ҳовлимизнинг тўрида бир туп анжир, ёр-ёр,
Бир туп анжир тагида тилло занжир, ёр-ёр,
Тилло занжир олманглар, узилмасин, ёр-ёр,
Рўзғорига бахт тиланг, бузилмасин, ёр-ёр.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу гўзал маросимнинг Хатирчи варианти фольклоршунослар учун кўп жиҳатдан янгилик. Негаки, бу маросимнинг дугоналар томонидан бошланиб, оналар якунлаб бериши анъанаси бошқа жойларда такрорланиши эҳтимол. Энг асосийси, маросим шу тарзда ўтказилганда, "Ёр-ёр"нинг маънавий-эстетик таъсири юқори бўлади.

Насиба СИДДИҚОВА,
Хатирчи туманидаги М.Эргашев номли мактаб ўқитувчиси.

Мўъжизакор ҳунармандлар замини

"Жамият ва мен" танловига

КУЛОЛНИНГ БАХТИ...

— Эл корига ярасангу, суҳбати манзур бўлолсанг, катта бахт шудир! — дейди машҳур кулол.

Султонбой Отажонов Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Каттабоғ қишлоғида туғилган ва бутун умри давомида ўз санъати ва меҳнати билан шу масканнинг довруғини дунёга ёйиб келмоқда. Йўқ, у киши қўшиқчи санъаткор эмас, кулоллар сулоласининг давомчиси. У аждодлари касбу корини, ёдини улуғлаб яшамоқда. Содда қилиб айтганда, оддий тупроқдан мўъжизалар яратади бу кулол.

Султонбой ака отаси — машҳур кулол Матёқуб Отажоновдан бу ҳунарнинг нозик сир-асрорларини болалигиданоқ қунт ва зеҳн билан ўрганди. Ёш уста мустақил равишда ясаган лаган, кўза, коса каби буюмлар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилиб, махсус диплом, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. 1984 йилда Болгарияда бўлиб ўтган халқ амалий санъати кўргазмасида ҳам устанинг маҳорати алоҳида эътироф этилди. Кейинчалик Париж, Лондон, Туркияда ўтган халқаро кўргазмаларда қатнашган Султонбой устанинг ишлари хорижлик санъатшунослар, мутахассислар эътиборига тушди.

Мустақиллик йилларида Хоразм воҳасида катта миқёсдаги бунёдкорлик ишлари бошланган кезларда устанинг ғайрат-шижоати янада қайнаб-тошди. Истиқлол берган имкониятлардан илҳомланган Султонбой уста Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий хиёбонлари дарвозаларига ва мақбараларига ўрнатилган кошинларга ўзига хос услубда сайқал берди. Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Урганчдаги Аз-Замахшарий боғи, қадим Хивага кираверишдаги гўзал хиёбонга ўрнатилган катта панно уста ижодига мансуб чиройли кошинлар билан жилоланди. Унда Хоразм заминининг улуғворлиги, тарихий обидалари, "Буюк ипак йўли" манзиллари, буюк алломалар, мустақиллик рамзлари, воҳага берилган Жалолиддин Мангуберди ордени тасвири зўр маҳорат билан акс эттирилган.

Тошга битилган бу тарихий манзарани яратишда Султонбой Отажонов ўзининг Олланазар Саъдуллаев, Солий Қодиров, Анвар Абдуллаев, Баҳодир Отажонов, ака-ука Камолиддин ва Омонбой Жалибековлар, Санъат Отажонов каби иқтидорли шогирдлари билан бирга меҳнат қилди. Дунё бўйича кошинпазлик, кулолчилик масалалари билан шуғулланувчи Америка Қўшма Штатларининг Аризона штати университети профессори Памело Вандивер Хоразм воҳасида бўлганида ҳали жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида керамика плиталаридан бундай маҳобатли манзара бунёд этилмаганлигини айтиб, Султонбой Отажонов тажрибаси билан қизиққан эди.

Уста доимо изланишда. Айни кунда у зангори кулолчиликда ишлатиладиган табиий бўёқларнинг йўқолиб кетган турларини тиклаш устида изланмоқда. Бу борада дастлабки натижаларга эришди ҳам. Уста кошинларда узоқ муддатгача сақланиб қоладиган турфа рангли табиий бўёқларнинг бир неча турини кашф этди. Бу бўёқлар тарихий обидаларни таъмирлаш ва дастлабки қиёфасини тиклашда қўл келади.

Султонбой Отажоновнинг халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юксак баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра унга "Ўзбекистон халқ устаси" унвони берилди. Уста ЮНЕСКО томонидан Фахрий ёрлиқ ва махсус мукофотлар билан тақдирланган. Бу ташкилот уста ҳақида ҳужжатли фильм яратилишида ўз кўмаги билан иштирок этди.

— Ўзбекистонимиз довруғини дунёга таратаётган маҳалладошимиз билан фахрланамиз, — дейди Каттабоғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аноржон Вафоева.— Уста маҳалламиздаги ободонлаштириш ишларида ҳамиша бош-қош. Маҳалла гузарини бунёд қилишда ҳам яқиндан ёрдам бераяптилар. Тўйхона қуриш ниятлари бор. Бу тўйхона устамизнинг маҳорати туфайли, албатта, ўзига хос иншоот бўлади. Энг муҳими, Султонбой отанинг ташаббуси билан маҳалламиз ёшлари учун "Устоз-шогирд" мактаби очилди. Устанинг ўзи ёшларимизга кулолчилик борасидаги билим, тажрибаларини ўргатмоқда.

Султонбой Отажонов етмиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон элюрт хизматида. Унинг қўлларида сайқал топаётган турли буюмларни воҳага келган сайёҳлар эсдалик сифатида олиб кетишади. Султонбой уста ясаган буюмлар дунё кезиб юрибди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ушбу бурж вакиллари учун ҳафта омадли келиши кутиляпти. Анчадан буён амалга оширишни режалаштираётган ишларга бемалол қўл уришингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафта бошида бироз тушкун кайфиятда бўлишингизга қарамай, оилавий ҳаётингизда рўй бериши кутилаётган қувончли хабар руҳиятингизга кўтаринкилик бағишлайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ушбу ҳафтада иш жойингизда баъзи тушунмовчиликлар юз бериши мумкин. Лекин кайфиятингизни туширманг. Ҳамма муаммо тезда барҳам топади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Муҳим учрашув ва тадбирларингизни ҳафтанинг сўнгги кунларига белгилаганингиз маъқул. Оилавий муносабатларда жиддий ва самимий бўлишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда бошламоқчи бўлган ишларингиз бароридан келади. Бироқ атрофингиздаги инсонлар билан хушмуомалада бўлинг, акс ҳолда бу ишларингиз чаппасига кетиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Мазкур ҳафтада узоқ сафарга чиқмаганингиз маъқул. Яхшиси оилангиз ёки дўстларингиз даврасида ҳордиқ чиқаринг. Жума муҳим масалаларни ҳал этиш учун қулай.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда соғлиғингизга эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилинг. Молиявий масалалар билан ҳафтанинг иккинчи ярмида шуғулланганингиз маъқул.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта давомида рўзғор ташвишлари билан банд бўлиб, ишга масъулиятлироқ ёндашишни унутманг. Пайшанба куни узоқдаги қариндошингиз ташриф буюриши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда узоқ сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор. Бу янги ишингиз билан боғлиқ бўлиши мумкин. Жума қизиқарли учрашувларга бой бўлиши кутиляпти.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Мазкур бурж вакиллари иш фаолиятида янада фаолроқ ва ташаббускорроқ бўлганлари маъқул. Бу тез кунларда ўз самарасини бериши мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)

Ҳафтанинг биринчи ярмида оила аъзоларингиз билан муносабатда муросалироқ бўлинг. Шанба ва якшанба кунлари спорт билан шуғулланишга кўпроқ аҳамият беринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Мазкур бурж вакилларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун ушбу ҳафтада қулай имконият туғилади. Шунингдек, малакангизни ошириш хусусида ҳам ўйлаб кўринг.

Пазандалик сирини онамдан ўрганаман...

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Фахрийлар беллашуви

Фарғона вилояти

Мумтоз оҳанглар оҳанрабоси

санъатга ошуфта дилларни завққа тўлдирди

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ ижодиёти ҳамда маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази, халқаро "Олтин мерос", "Маҳалла", "Нуроний" жамғармаларининг вилоят бўлимлари ва вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорликда кўп йиллар давомида халқ хизматида бўлган нуроний санъаткорларни қадрлаш, уларнинг ижро йўналишларини оммалаштириш мақсадида Фарғона туманидаги "Чинор таги" маданият ва истироҳат боғида "Фахрийлар куйлаганда" номли адабий-мусиқий санъат байрамини ўтказди.

Кечага вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан фахрий санъаткорлар ташриф буюрди.

Тадбирни "Кўзларинг" ашуласи билан Ҳасанбой Аҳмадшоев бошлаб берди. Айниқса, олтмишинчи йилларда 80 ёшли санъаткор Убайдулла Собиров "Найлайин", "Хиром айлаб келинг" ашулаларини куйлаганда юраклар ларзага келди.

— Ҳакамлар ҳайъати барча фахрий санъаткорларга бир хилда — энг юқори балл беришни лозим топди, — деди ҳайъат раиси, Ўзбекистон халқ артисти Султонали Маннонов тадбир якунида. — Уларнинг ҳаммаси ашулаларни маромига етказиб ижро этишди.

"Фахрийлар куйлаганда" кўрик-танловининг республика босқичига эса бувайдалик қўшиқчилар Мўминжон Имомов ва Муҳаммаджон Шералиевлар тавсия қилинди.

Тадбир якунида санъаткорларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Спорт

КУЧЛАР ЯНА ТЕНГ КЕЛДИ

Россиянинг Элиста шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан ташкил этилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида иштирок этаётган дунёнинг ўн олти нафар энг кучли шахматчиси иккинчи тур учрашувларини ўтказди.

Турнирда иштирок этаётган қитъамизнинг ягона вакили — 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов исроиллик Борис Гельфанд билан бўлган навбатдаги учрашувда оқ доналарда ўйнади. Баҳсда биринчи турдаги каби кучлар тенг келди ва томонлар дурангга рози бўлдилар.

Иккинчи турга келиб очко йўқотмаган шахматчи қолмади. Дастлабки баҳсда норвегиялик Магнус Карлсенни мағлуб этган арманистонлик Левон Аронян бу гал рақиби билан дуранг ўйнади. Россиялик шахмат устаси Владимир Малахов эса иккинчи учрашувда ўз ҳамюрти Александр Гришчукдан 0,5 очко олишга муваффақ бўлди.

Украиналик собиқ жаҳон чемпиони Руслан Пономарёв ва мезбонлар вакили Сергей Рублевский, Буюк Британиядан келган Майкл Адамс ҳамда Испания шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстер Алексей Широв жуфтликлари иккинчи учрашувда ҳам бир-бирини енголмади.

Уч нафар шахматчи рақибини мот қилишга эришди. Венгриялик Петер Леко чиройли ҳужум уюштириб, туркиялик Михаил Гуревични мот қилган бўлса, франциялик Этьен Бакро АҚШ вакили Гата Камский юришларининг босимига дош беролмай, мағлубиятни тан олди.

Мусобақада иштирок этаётган ягона аёл шахматчи — венгриялик Юдит Полгар россиялик Евгений Бареевга бир очко беришга мажбур бўлди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма оладиган энг кучли тўрт нафар шахматчининг номи 13 июнь куни аниқ бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«Mahalla»дан маслаҳат

ХАРИДОРДАН ДАККИ ДАРКОР...

Яқинда бир танишим бозордан сотиб олган кийими ўзига лойиқ келмаётганини айтиб, сотувчидан нолигандай гапирди: "Ҳозир кийим бозорларига бир ўзинг чиқсанг, бўлмайди. Сотувчидан қайси молининг нархини сўрасанг, ўша кийимни аввал кийдириб кўрмоқчи, сўнг қандай бўлмасин, сенга сотмоқчи бўлади. Унинг бу муддаосини тушуниш мумкин, аммо харидорга кўпроқ қайси кийим ярашиб туришини, қандай рангдагисини харид қилиши кераклигини тавсия қилишда кўрабила туриб ёлғон гапириш тўғримикан? Улар эса харидорга ҳеч иккиланмай ўлчами катта кийимларни ҳам сотиб юборавершади..."

Унинг мулоҳазасида жон бор. Ҳар биримиз бундай фикрни бировга айтмаган бўлсак ҳам, хаёлимиздан ўтказган бўлишимиз мумкин. Хўш, чолни кўриб "бобом" дейди, деганларидай, "ока", "братан", "кеннойи", "холажон", дея харидорларга "ёпишаётган" сотувчилардан биз нимани талаб қила оламиз? Улар-ку ўзларининг тирикчилиги билан овора. Хўш, биз-чи? Биз истеъмолчилар ўз ҳуқуқимизни талаб қилиб, ўзимизга мос келмаган кийимни сотувчига қайтариб олиб бораяпмизми? Ёки сифатсиз чиққан молни almаштириб беришини сотувчидан ҳар доим ҳам талаб қилаяпмизми?

Бу нафақат кийим-кечак, балки озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига ҳам тегишли. Баъзида харид қилган маҳсулотимизнинг яроқлилик муддати ўтган бўлса, "Арзимаган нархдаги мол экан-ку, шуни ҳам қайтариб бораманми?!" деган андиша устун келади... Аслида эса яроқсиз молни пуллаётган сотувчи истеъмолчилар томонидан ана шундай ҳақли талаб ва эътирозлар кўпайсагина, бироз бўлсин ўзини-ўзи инсофга чақириши ёхуд қонуний чоралардан чўчиб, қинғир ишга қўл урмаслиги мумкин.



Ахир бозорни тартибга солувчи куч истеъмолчиларнинг талаби эмасми?!

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

Утерянный диплом № 011776 (регис. 54885), выданный I-ТашГосМИ 20.07.2004 г. на имя Сидикова Жахонгира Зафаровича считать не действительным.

Маиший хизмат касб-хунар коллежи томонидан 2002 йилда Муйдинов Саид Сохибович номига берилган 018647 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧФ "SKIF PRO" (ОКПО 18583338) Чиланзарского р-на переименовывается в ООО "SKIF PRO". Претензии принимаются в течении 1-месяца со дня публикации. Тел: 173-01-38.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактабдан 2005 йилда Сагдуллаев Хожакбар Махаматович номига берилган O'RSh 09189971 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "EXTREM ASIA" Юнус-Абадского района г. Ташкента (код по ОКПО 19513914) ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел. 135-24-22.

ЧП "Dilrihs Kelajak biznes" Ю-Абадского р-на г.Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 170350000 сум до 350000 сум.

ЧП "FARIZSHER BARAKA" (код по ОКПО 21261176) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 1-месяца по тел: 407-05-23.

"KATTA KOMOLON" хусусий фирмаси "KATTA KOMOLON" масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент, Р.Расулов кўчаси, 103-уй.

Утерянный гос. Ордер № 2414 выданный 28.07.1994 г. на иммущество ЧСУ (Чирчикское специализировонное управление) находящейся по адресу г. Чирчик, ул. У.Юсупова-1 считать не действительным.

Утерянный кадастровый документ под номером 27332265428 АО ТТМЗ выданный Главным управлением регулирования земельных отношений и кадастра недвижимости считать не действительным.

ЧП "VOSIL OTA" сообщает об уменьшении уставного фонда с 724000 сум до 443000 сум.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 30 май
22 (572)

15842 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 Топширилди — 23.00
2 3 4 5 6